

Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги томонидан
2023 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан
МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 8 май кунида “Маъмурий ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-149-сон қарори имзоланди.

Агентликнинг 2023 йил 17 май кунида янги структураси ва штат жадвали ҳамда ходимларни лавозим йўриқномалари, вазифа ва функциялари тасдиқланди. Шу билан бирга янги структурага 2 та (терапевтик истиснолар; допинг синовларини режалаштириш ва тестлаш) бўлимлари ва халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар бош мутахассис лавозими киритилди ва бошқарув ходимларидан 1 та штат бирлиги қисқартирилди.

Ўзбекистон ва Корея антидопинг агентликлари орасида имзоланган меморандумга кўра, Кореяда 7 нафар агентлик мутахассислари малака оширди. 2023 йил октябрь ойида Корея антидопинг агентлиги ходимлари томонидан Тошкентда агентлик ходимлари учун малака ошириш курслари ташкиллаштирилди. Шунингдек, агентлик ходимларидан 12 нафари допинг офицер ва шаперонларни тайёрлаш курсида ўқитилиб, сертификат берилди.

Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг халқаро допинг офицер тайёрлаш курсида **3 нафар** агентлик мутахассислари (А.Солиев, Н.Эшқувватов, А.Мансурова) ўқитиб **Халқаро тоифадаги допинг офицерлар** тайёрланди ва халқаро мусобақаларда допинг олиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Корея ва Туркия махсус лаборатория билан допинг синамаларини ўтказиш бўйича шартномалар имзоланди.

Миллий антидопинг агентлиги ходимлари **Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг XVII** симпозиумида ҳамда “Спорт, Инсон, Саломатлик” мавзусидаги **XI Халқаро конгрессида** иштирок этди.

I. Симпозиумда **800** дан ортиқ **антидопинг** агентликлари, **WADA** томонидан акредитациядан ўтказилган лабораториялар ва **антидопинг** комиссиялари ходимлари иштирок этди.

Симпозиум доирасида Бутунжаҳон антидопинг кодекси билан боғлиқ бўлган муаммолар жумладан, ҳозирги кунда айрим мамлакатлар ушбу кодексга совуққонлик билан қараётганлиги, кодекс антидопинг соҳасида барча давлатлар амал қилиши мажбурий бўлган ягона йўриқнома ҳисобланишини таъкидлаб ўтилди.

XI Халқаро конгрессда **59** та давлатдан онлайн ва оффлайн форматда **43728** нафар сохага доир мутахассислар вакиллари иштирок этди.

Жорий йилнинг 26-27 июль кунлари Сингапур давлатида Осиё-океания антидопинг агентликлари ўртасидаги халқаро таълим симпозиумида қатнашган холда халқаро стандарт асосида таълим дастурларини амалга ошириш, кодексни имзолувчиларнинг кодексга мувофиқ иш олиб боришлари ҳамда ССҚ ҳисоботларини ўз вақтида топшириш ва антидопинг таълимини устувор йўналиш қилган ҳолда амалга ошириш мақсад қилинди. Бундан ташқари ЖАДА антидопинг агентлиги томонидан амалга оширилган ишлардан нусхалар олиб келинди ва амалиётда улардан фойдаланилмоқда.

Жорий йилда жами 1365 нафар спорт шифокорлари ва мураббийлар малака ошириш курсини тамомлади ва эсдалик совғалари ҳамда сертификатлар топширилди.

Андижон вилояти 120, Жиззах вилояти 90, Қашқадарё вилояти 215, Наманган вилояти 136, Самарқанд вилояти 57, Сирдарё вилояти 100, Сурхондарё вилояти 106, Тошкент вилояти 46, Фарғона вилояти 170, Хоразм вилояти 109, Тошкент шаҳри 41, Қорақалпоғистон Республикаси 112 ва Федерацияларнинг 63 нафар мутахассислари малака ошириш курсларида ўқитилди.

2023 йилда АДАМС тизимида 321 нафар спортчилар рўйхатдан ўтказилди ва мониторинг қилиб борилди Шулардан 28 нафари йил давомида ўз хохиши бўйича шахсий сабабларга кўра спортдаги фаолиятини якунлади.

2023 йил давомида жами етти нафар антидопинг қоидабузарликлари ҳолати кузатилди. Жумладан, олти нафар спортчида тақиқланган модда аниқланди; бир нафар спортчи тест синамаси топширмаслик қоидабузарлигини содир этди. Бу спортчиларга Бутунжаҳон Антидопинг Агентлиги Кодекси асосида антидопинг қоидабузарликларини жазолаш иши очилиб, Кодекс асосида турли муддатларга спортдан четлатиш жазоси қўлланилди.

2023 йилнинг 13-14 сентябрь кунлари Бутунжаҳон антидопинг агентлиги томонидан ташкиллаштирилган икки кунлик семинар ва тренингларда агентлик ходимлар иштирок этди.

Шунингдек, 2023 йил 15 сентябрь куни Бутунжаҳон антидопинг агентлиги расмийлари миллий антидопинг агентлигига ташриф буюриб, агентлик фаолияти билан яқиндан танишишди ҳамда хорижий мутахассислар билан фаолиятига алоқадор масалалар шунингдек, янги йўналишларни ривожлантириш режалари борасида ўзаро фикр алмашилди.

2023 йил давомида ЎзМАДА ҳузуридаги Одоб – ахлоқ Комиссиясининг йиғилиши тўрт мартаба бўлиб ўтди. Йилнинг сўнги йиғилишида

Комиссиянинг таркиби қайта кўриб чиқилди ва Комиссия фаолиятини такомиллаштириш мақсадида янгиланган таркиби тасдиқланди. Комиссия ишида спортчилар фаолиятига оид та масала кўриб чиқилди

2023 йилнинг 17 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги томонидан “Спортда тақиқланган моддалар ва усуллардан терапевтик истиснолар тарзида фойдаланиш” мавзусида халқаро экспертлар иштирокидаги вебинар ташкил этилди. Вебинарда: Ўзбекистон миллий антидопинг агентлиги директори А. Садиков, Марказий Осиё минтақавий антидопинг агентлиги (РАДОКА) директори Венера Абдулла, Литва антидопинг агентлиги директори Рута Баните, Ўзбекистон миллий антидопинг агентлиги “Терапевтик истиснолар бўлими” бошлиғи А. Солиевлар маърузалар билан иштирок этишди. Вебинар давомида “Терапевтик истиснолар бўлими” бошлиғи А. Солиев Ўзбекистонда спорт соҳасида фаолият олиб бораётган спорт шифокорларига “Спортда тақиқланган моддалар ва Терапевтик истисно” мавзусида маъруза ўқиди. Вебинарда Республика бўйича 200 дан зиёд спорт шифокорлари ва мураббийлари иштирок этиб, қизиқарли ва керакли маълумотларга эга бўлдилар.

2023 йилнинг 21 декабр куни Терапевтик истиснолар бўйича комиссиянинг йиллик ҳисоботи бўлиб ўтди. Мазкур ҳисобот йиғилишида Ўзбекистон ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги вазири А.И. Икрамов, МОҚ бош котиби О.О. Касимов, комиссия аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон спорт федерациялари ҳамда МОҚ ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази спорт шифокорлари иштирок этишди. Ҳисобот йиғилиши конструктив руҳда ўтказилиб, унда ўзбек спортчилари дуч келаётган муаммолар, хусусан, спортчиларни тўғри даволаш, даволаш ва тикланиш даврида спортда тақиқланган дори воситалари ва усуллар қонуний фойдаланиш бўйича экспертлар томонидан муҳим тавсиялар берилди. Ўз навбатида спорт шифокорларини ўйлантираётган долзарб муаммоларга ечим топиш, уларни ҳал қилиш борасида бахсли мунозаралар бўлиб, мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Ҳисобот йиғилишида Терапевтик Истиснолар бўйича комиссиянинг 2023 йил давомида қилган ишлари сарҳисоб қилинди.

2023 йил давомида режа асосида 620 та допинг синама олиш режалаштирилган бўлиб, 33 та спорт туридан жами олинган допинг синамалар 555 тани (89.5%) ташкил қилди. Шундан 322 таси мусобақадан холи вақтда, 233 таси мусобақа давомида олинди.

2023 йилда спортчининг биологик паспортини яратиш учун, қон орқали аниқланадиган допинг синамаларидан эритропоедин (ESA) ва ўсиш гормони (GH isoform) жорий йилдан янги хизмат тури сифатида киритилди. Ушбу

олинган қон тахлили синамалари, Туркиянинг Анкара шаҳрида жойлашган, WADA томонидан акредитациядан ўтган лаборатория билан ҳамкорликда ишлар давом эттирилди.

Директор



А.Садиков